

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

7 январь, шанба, 1995 йил Сотувда эркин нархда. № 6 (1008)

ДАВЛАТ ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РАҒБАТЛАНТИРАДИ

Президент И. Каримовнинг «Хусусий тадбиркорлик-ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони мамлакатимизда чинакам бозор муносабатларини шакллантириш сари яна бир муҳим қадам сифатида қўйилди.

Ушбу Фармон ҳар бир фуқаро турмуш фаровонлигини ошириш имконини берувчи, умуман давлатнинг иқтисодий тараққиётига қаратилган муҳим ҳужжат бўлди.

Биз у билан Бахмал туманидаги даласида эмас, Олой бозорига учрашиб, суҳбатлашдик. Улар бу ерга ўзларининг 30 сотих ижара ерларида етиштирган картошкани олиб келишибди.

Нафақат ўз фарандлари, балки қариндош-уруғларини ҳам бориштирган Т. Жўрабоев бошлаган фермер хўжалиги «Давлатга ҳам фойда бўлсин, ўзимиз ҳам тўкин шайайлик» шiori остида ерни ижарага олиб ишламоқ-

тириш ва қайта ишлаш... билан шуғулланувчи хусусий корхоналар рўйхатга олинган кундан бошлаб дастлабки икки йил мобайнида даромад (фойда) солиғи тўлашдан озод қилинсинлар...» Оилави ва оилаларо корпорацияларга уюшган бизнинг деҳқонларимиз бундай корхоналарни барпо этишлари ҳеч гап эмас.

Фармоннинг яна бир банди фермерлар эътиборини жалб этди, унда шундай дейилган: «1995 йилнинг биринчи чорагида деҳқон (фермер)лардан ва хусусий корхона эгаларидан кишлоқ хўжалик ва саноат маҳсулотларини харид қилув ва доимий ишлайдиган улгуржи ихтисослаштирилган бозорларни ташкил қилсинлар».

Тўғри-да, кун бўйи бозорда ўтиргандан кўра, маҳсулотни бир йўла ва яна дуруст баҳола сотган маъкул эмасми!

Бир сўз билан айтганда ушбу Фармон айнан ишчан кишиларга қаратилганлиги. Улардан нафақат ташаббус, далиллик талаб этилади, холос. Бундай саъй-ҳаракатни рағбатлантириш вазифини эса давлат ўз зиммасига олади.

А. ЙЎЛДОШЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУДИДА ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ЖАРАЁНИНИ ОСОНЛАШТИРИШ ВА ТАРТИБГА СОЛИШ МАҚСАДИДА:

- 1. Ўзбекистон Республикаси хуудидида ўз фаолиятини хорижий сармоя иштирокида амалга оширадиган янги тузилдиган корхоналарни ҳуқуқий жиҳатдан экспертизадан ўтказиш ва рўйхатга олиш вазифини 1995 йил 1 мартдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги зиммасига юкланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур корхоналарни рўйхатга олиш вазифини овоз қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги мандатдор идоралар билан зарур келишуви таъминлаб, қўшма корхоналарни қонунда белгиланган тартиб-да рўйхатга олинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 1995 йил 6 январь.

Республика Вазирлар Маҳкамасида ИСТЕЪМОЛЧИ МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ

6 январь куни Вазирлар Маҳкамасида Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабоев раислигида истеъмол бозорини товар билан таъминлаш ва республика аҳолисига савдо хизматини яхшилаш дастурини амалга ошириш бўйича ҳукумат комиссиясининг мажлиси бўлди.

Вазирлар Маҳкамасининг мазкур масала юзасидан чиқарган қарорларини бажарилиш бозорини энг зарур моллар билан тўлдирish юзасидан белгиланган чора-тадбирлар кўриб чиқилди.

ВИЛОЯТ КЕНГАШЛАРИНИНГ СЕССИЯЛАРИ «ХАЛҚ СЎЗИ» ВА ЎЗА МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР.

АНДИЖОН Андижонда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг биринчи сессияси бўлди.

Сессияда Қ. Обидов қайтадан Андижон вилоят ҳокими этиб тасдиқланди.

Республика Бош вазирининг ўринбосари М. Шариф-хўжаев сессияда нутқ сўзлади.

ЖИЗЗАХ Халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашининг биринчи сессияси бўлди.

Сессияда ташкилий масала кўриб чиқилди. А. Тошкенов қайтадан вилоят ҳокими этиб тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Усмонов сессияда сўзга чиқди.

НАМАНГАН Наманганда биринчи қаҳриқ халқ депутатлари вилоят Кенгашининг биринчи сессияси бўлди.

Депутатлар вилоят халқ хўжалиги тармоқларининг 1994 йилги иш якуналари ва 1995 йилдаги вазифаларни муҳокама қилдилар.

Сессияда ташкилий масалалар кўрилди. Б. Рапигалиев ахборот берди.

Сессияда ташкилий масалалар кўрилди. Б. Рапигалиев яна вилоят ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда Республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси — инспекция назорати раҳбари М. Мирқосимов нутқ сўзлади.

ФАРГОНА Биринчи қаҳриқ халқ депутатлари Фаргона вилоят кенгашининг биринчи сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда 1994 йил якуналари ва вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган вилоят меҳнаткашларининг вазибалари муҳокама қилинди.

Сессияда ташкилий масалалар кўрилди. М. Исломов қайтадан вилоят ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов нутқ сўзлади.

ҚАШҚАДАРЕ Қашқадарё вилоят Кенгашининг биринчи сессияси бўлиб ўтди.

Вилоятда иқтисодий, ижтимоий ривожланишнинг аҳоли, ислохотларни янада чуқурлаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Унда ташкилий масалалар кўрилди. Т. Хидиров қайтадан Қашқадарё вилоят ҳокими этиб тасдиқланди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИНИНГ ЧЕТ ЭЛГА БОРИШЛАРИ ТАРТИБИНИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДИПЛОМАТИК ПАСПОРТИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга боришларининг тартиби тўғрисида» 1994 йил 23 декабрдаги Фармонини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга бориш тартибини янада соддалаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилди:

- 1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга боришларининг тартиби тўғрисида» 1994 йил 17 мартдаги қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Қуйидагилар тасдиқлансин: Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга бориш тартибини янада соддалаштириш мақсадида:

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 1995 ЙИЛ 6 ЯНВАРДАГИ ҚАРОРИГА ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИНИНГ ЧЕТ ЭЛГА БОРИШЛАРИ ТАРТИБИ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР 1. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ хусусий, жамоат ишлари бўйича, доимий яшашга, сайёҳлик сифатида, ўқигани, даволанишга, ишга, хизмат сафарига чет элга эркин бориш ҳуқуқига эгадирлар.

2. Мазкур тартиб Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг бориш учун чиқиб ҳужжатларини расмийлаштириш талаб қилинмайдиган МДҲга аъзо бўлган мамлакатлардан бошқа хорижий мамлакатларга боришларида жорий қилинади.

3. Чет элга бориш учун зарур бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорти Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги Низомга мувофиқ ички ишлар органлари томонидан берилди.

4. Дипломатик паспортлар билан чет элга бориш Ўзбекистон Республикасининг дипломатик паспорти тўғрисидаги Низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан расмийлаштирилади.

5. Хорижий хизмат сафарларини ташкил этиш ва улардан самарали фойдаланилиши учун маъсуллик хизмат сафарларига юборувчи ташкилотларнинг ва хизмат сафарига юбориш ҳақида қарор қабул қилган органларнинг раҳбарлари зиммасига юкланди.

II. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИНИНГ ЧЕТ ЭЛГА БОРИШЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ

1. Чет элга бормоқчи бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари белгиланган шаклдаги анкета-аризани тўлдирган ва Ўзбекистон Республикаси паспортини тақдим этган ҳолда яшаш жойлари бўйича ички ишлар органларига мурожаат қилдилар.

2. Ички ишлар органлари фуқароларининг анкета-аризасини 15 кунлик муддатда кўриб чиқдилар ва унинг паспортига икки йил муддатга чет элга бориш учун амал қиладиган тегишли белги қўйдилар, фуқаролар кўрсатилган муддат давомида боришни расмийлаштириш учун ички ишлар органларига мурожаат қилмасдан бир неча марта чет элга боришлари мумкин.

3. Анкета-аризалар 18 ёшга тулган фуқаролар томонидан берилди. 18 ёшга тулмаган болалар чет элга боришлари чоғида уларнинг қонуний раҳбарларининг илтимосномалари берилди.

4. 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар доимий яшашга кетаётган ҳолларда кетаётганларнинг розилигини тасдиқловчи нотариусда тасдиқланган ҳужжатлар тақдим этилиши зарурдир.

Доимий яшаш учун кетилаётганда ота-она, эр-хотинларнинг розилигини тасдиқловчи нотариус томонидан тасдиқланган ҳужжатлар тақдим этилиши керак.

ЯНГИЛИКЛАР «Халқ сўзи» ва ЎЗА мухбирлари хабар қиладилар

ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОН

Самарқанддаги Акмал Иқромов номли Ўзбекистон маданияти ва санъати тарихи музейида самарқандлик рассомлар ҳамда халқ амалий санъати усталари асарларининг савдо-кўргазмаси очилди.

Қорақалпоғистонда Ажиниёз таваллудининг 170 йиллигига қизғин ҳозирлик кўрилоқда.

БМТ. Халқаро Қизил ҳокимияти Тожикистон Республикасининг Милан воқоиси аҳолисига инсонпарварлик ёрдами сифатида 20 тоннага яқин ун, 1300 жуфт болалар пойабали ва бошқа зарур истеъмол моллари жўнатди.

Арманистон Президенти Левон Тер-Петросян Дашнакцутун партияси фаолиятини вақтинчалик тўхтатиш ҳақида фармон қабул қилди.

Украинада ҳарбий хизматчиларга паспорт бериш бошланди.

Бешариқ туманидаги «Яккагут» ширкатлар уюшмаси сут маҳсулотларини четдан харид қилмайдиган бўлди.

Мустақиллик бонс мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида муҳим ўзгаришлар рўй бермоқда.

Қуни-кеча Фаргона вилоят ҳокимлигида фуқароларга янги паспортларни топириш маросими бўлиб ўтди.

Тайландлик икки терорчи Хат-Яй шаҳри темир йўл вокзалига ўзлари қўйган минадан портлаб, ҳалок бўлди.

Термиз шаҳрида навбатдаги кинопида савдос бўлиб ўтди.

Андижондаги Аббос Бакиров номли ёшлар театри билан Бошқирдистоннинг «Стерлитамак» давлат ёшлар театри ўртасида ижодий алоқалар мустаҳкамланди.

Италия пойтахтида Франциянинг Лион шаҳри билан Турин шаҳрини боғлайдиган темир йўл куриш босқичи давлатлараро шартнома имзоланди.

Пекин. Карамела рўй берган фожиа учун шаҳар ҳокимиятининг маълум шахслари устидан жиноий иш қўзғатилди.

Яқинда шаҳардаги «Дуэстик» кинотеатрида катта ёнғин рўй берилди.

«МЕРСЕДЕС-БЕНЦ»: ЙИЛ САРҲИСОБИ

Узоқ Олмондан йўлга чиққан юк машиналари карвони Хоразмга бундан ропна-роса бир йил муқаддам етиб келган...

Орадан бир йил ўтди. Жаҳонга машҳур фирманинг юксак технологиясини ўзбек заминига ўзлаштириш қандай иқтисодий самара келтирди? Иш бошидаёқ олмон мутахассислари Дуслондаги йиғиш петида «Мерседес» русумли юк автомобилларининг тортув қисми — тятгани йиғиш услуби қисқа фурсатда сифатли ўзлаштирилганини тани олди...

Бир йилда 300 донга «Мерседес» йиғилди. Эллик нафар маҳаллий ёшлар Германияда ўқиб, касб сирларини ўрганиб қайтди. Бу йил камидан минг донга автомобиль йиғиш режалаштирилган...

Корхона маъмурияти бу билан чекланиб қолмасдан, заводнинг ўзиданоёб, харидорнинг маҳсулотлар ишлаб чиқаришини ҳам йўлга қўймоқда...

Жалик ускуналари, иш қуроллари тайёрланаётди. Келажакда эса ногиронлар аравачалари, алюминий қотишмасидан ойна, эшик ромлари, «Т-28» тракторларининг эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда...

Яқиндагина олмон машиналари карвонини қўрган одамлар уларга ҳайрат билан боқар эди. Эндиликда бу оддий воқеликка айланиб қолди. Бу мустақиллик йўлига қирган, иқтисодий ислохотларни жадал амалга ошираётган мамлакатимиз ҳаётидаги салмоқли ижтимоий-иқтисодий силжиш натижасидир...

(Ў.А.)

Ислохот чорраҳаларида

Денов дедингизми, дарров унинг бозори, талбиркор ва хунарманда халқ ётга тушадди. Деновда бозор, асосан, жума ва якшанба кунлари бўлади. Бозор бўлганда ҳам жуда катта бозор бўлади...

Эскилардан қолган бир гап бор: «Қайси жойнинг қандай кун кемираётганини билмоқчи бўлсанг, унинг бозорига кир». Деновда ҳозир гўш 14-15 сўм. 16 сўмга суюқсиз лаҳм жойидан кесиб беришади...

Деновликлар тайёрлаган нон республикада учинчи ўринда туради. Бозорга қайси вақт кирманг: кеч-асрадами, эрта-бондодами, иссиқ нон тайёр турган бўлади...

Ҳеч ким



ДЕНОВЛИКЛАР

қиймадан деновликлар каби кабоқ пиширولмас керак. Кабоқпазлар шунчалик устаси фаранги, ёнидан ўтиб қолгудек бўлсангиз, қорнингиз тўқ бўлса ҳам, сизни ўтиргизиб, икки-уч жуфт кабоқидан егизиб, ҳисоб-китоб қилиб кейин жўнатиб юборишади...

Денов бозорига Уратепанинг сабзиси, Хоразмнинг гуручига харидор кўп. Шаҳарнинг Ҳисор тоғига қараган томонда эски бир қалъа бор эди. Уни деновликлар XVIII-XIV асрларда бунёд бўлган, дейишади. У бир пайтлар Денов беқлигининг қароргоҳи бўлган экан...

фида қурилиш ишлари кетаяпти. Дастлаб бурунги арк дарвозаларига ўхшаш катта дарвоза қурилади. Унинг ёнидан қаторасига дўконлар қад ростлаяпти...

Бозор атрофини қўли узун ташкилот, фирма ва шахсларга бўлиб бердик, — дейди Абдуллоим ака. — Улар шаҳар мураббийи бош режаси асосида ўзларига зарур бўлган иншоотлар қуришади. Лекин бунинг битта шарты бор: қурилган бинолар, албатта, шарқона ва чиройли бўлиши керак...

Бозорда, асосан, уругтлик ва хоразмлик усталар ишлашяпти. Хоразмликлар арк қуриш ва дарвоза ясашда устаси бўлишади. Гиштини қойилмақ қилиб теришда эса уругтликларнинг олдида ҳали-бери ҳеч ким тушолмас керак. Кейинги бир-икки йил ичида уругтликлар республикада яхши анъаналар асос солишиди...

Деновликлар ҳам бозор атрофига «уругтча» ва «хоразмча» безак беришмоқчи. Шаҳарни айлануб, бу ерда

чилик анча тараққий этган. Бешикчилик, сандиқчилик, темирчилик, касибчилик, дурагдорлик... Деновликларнинг бей яшаш, яхши турмуш кечирishi ҳам ана шундан. Улар тиниб-тинчшиб, майди: бир танганин ўн танга қилмас, уйқуси келмайди...

Деновда 57 минг аҳоли яшайди. Ер майдони 2113 гектар. Денов шаҳри ишлаб чиқарган маҳсулот Сурхондарё вилояти саноятининг 35 фоизини ташкил этади. Бу ерда 183 турдаги саноят маҳсулоты тайёрланади. Шаҳарда 10 та йирик завод ва корхона бор. Ўтган йилда 131 миллион сўмлик ҳажмда саноят маҳсулоты ишлаб чиқарилиди. Бу 1993 йилдагига нисбатан 33 фриз кўп демалиди...

Ишбилармонлик ва талбиркорликка кенг йўл очилгандан кейин, қисқа муддат ичида қирққа яқин янги корхона ташкил этилиб, маҳсулот тайёрлана бошланди. Ўтган йилда ҳар бир одам бошига 3 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиди. Аҳолига бир йил давомида 17,5 миллион сўмлик хизмат кўрсатилди. Денов шаҳрида 90 га яқин корхона пуллик хизмат кўр-

сатади. Бу эса аҳоли бошига 311 сўмданга тўғри келиши. Шаҳарда олтига транспорт корхонаси жойлашган. Унда йил давомида қарийб 2 миллион сўмлик юк ташилиди. Ялли даромад: бир йилда 31 миллион сўмни ташкил этди. 89 та маиший хизмат ва савдо нуқталари фўққорларга шахсий қилиб берилди. Қолганлари қиссадорлик жамиятларига йилантирилди...

Шаҳарда 113 та кичик, хусусий корхона, фирма, ширкат фаолият кўрсатмоқда. Уларда 5 минг 48 киши меҳнат қилади. Бултурнинг ўзида 1 минг 537 та қўшимча иш жойи ташкил қилинди. Ушбу корхоналарда 20 дан ортиқ янги турдаги (гилам, тикув кийимлари, тўқимачилик) маҳсулотлар тайёрланапти. Мамлакатимизнинг барча жойларида бўлгани каби ўтган йиллар Деновда ҳам қурилиш тўхтагани йўқ. 1994 йилда 17 миллион сўмлик ҳажмда, қурилиш ишлари бажарилди. 830 ўринли янги мактаб, 120 ўринли шифохона, турар жой бинолари, «Сурхонозиқовқатсаноти» қошидаги совун цехи, қандолатчилик маҳсулотлари тайёрлайдиган фабрика, салқин ичимликлар цехи ана шулар жумласидандир. Пахта титиш заводи, 10 минг нуқталы телефонлаштириш тармоғи, спорт маззеси, пахта тозалаш, қанд фабрикалари жорий йилнинг биринчи чорагида ишта туширилади...

Денов шаҳрида 16 та маҳалла бор. Ўтган йилнинг бошида маҳаллалар ҳамда ногиронларга корхона ва ташкилотлар биргаликда 1 миллион 400 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатди.

Деновликлар бировнинг озгига тикилиб, берсанг ейман, бермасанг ўламан, деб ўтирарди халқ эмас. Қандай шароит ёки давр бўлмасин, тезда мослашиб, яхши яшаш ва турмуш кечирish учун ўзларига йўл топа билдилар.

Боқимандалик — ёлмон иллат. Уни енга олман одам ҳеч қимдан нолимайди. Нолиса ҳам ўзилдан нолийди.

Деновликлар ана шунанга...

ИсмаТ ХУДОЁР, Тождидин РАЗЗОҚ, «Халқ сўзи» мухбирлари.

Тождикстон янгиликлари

ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Ленинобод вилоятининг Ўзбекистон билан чегарадош Қониболом шаҳрида Тождикстон ва Ўзбекистон темирйўлчиларининг дўстона учрашуви бўлиб ўтди. Унда Тождикстон жумҳурияти, бир-бирига қўшни Фарғона, Ленинобод ва Тошкент вилоятлари темирйўлчилари бошлиқлари қатнашди.

Ушбу уч вилоят темирйўли ишини кўнгилли олиб бориш кўшилларининг ҳамкорлигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Ҳозирги иқтисодий қийинчиликлар оғир юкин ва кўп сонли йўловчиларни манзилга етказадиган қулай нақлиётга ҳам ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмади. Ўзбек ва тождик темирйўлчилари мавжуд муаммоларни биргаликда ҳал қилишга келишиб олишди. Бу борда Ўзро битим имзоланди.

ҚАЛАМ АҲЛИГА ҒАМХУРЛИК

Дунёдаги энг қийин касб эгаларини моддий ва маънавий жиҳатдан химоя қилиш ҳақида Тождикстонда қайғурадилар ҳам топилиди. Бу ерда журналистларни маънавий жиҳатдан химоя қилувчи Тождикстон хазинаси ташкил топди. Унга жумҳурият қоракўчилик уюмаси президенти, Тождикстонда танлиқли ишбилармон аёл М.Тошматова раислик қилмоқда.


ЯНГИ ТОПИЛМАЛАР

Жумҳуриятнинг кўҳна шаҳарларидан бири Уратепа атрофида иссиқлик ва товушдан сақланган модда борлиги аниқланди. Бу — Тождикстон Фанлар академияси олимлари уч йил давомида олиб борган илмий изланишларнинг натижаси бўлди.

Ана шу қимматбаҳо модда дунёнинг кўп мамлакатларида қадрланади. Ҳозир бу моддани тулроқдан ажратиб олиш ва уни қайта ишлаш чоралари қўрилмоқда.

Тоғ жинслари таркибини синчковлик билан текширган тождик олимлари уларда жуда кўп миқдорда линзалар тайёрлаш учун ишлатиладиган моддалар ҳам борлигини аниқлашди.

Ўринбой УСМОН.



Риштон туманидаги «Жалаер» жамоа ҳўжалиги худудидаги қишлоқларнинг 90 фоизи сўнгги икки-уч йил ичида табиий газ билан таъминланди. Шу даврда қўлаб маданий-маиший бинолар — 850 ўринли мактаб, болалар боғчаси, ҳаммом, дала шийпоналари фойдаланишга топширилди.

СУРАТДА: ҳўжалик бошқаруви раиси Анавархон Аҳмадхонов. Т. ҲАМРОҚУЛ тасвири.

Ўзбекистон ва жаҳон

ОНА ЮРТ ТАФТИ

Муҳаммад Салим Жўрабой асли шерободлик. Тақдир тақозоси билан Афғонистон ва Туркияда, сўнгра Амриқода янаган. Мустақиллик шарофати билан яна Ўзбекистонга келишга мушарраф бўлди. Ҳозир Тошкент шаҳридаги «Ўзбекистон — Туркия» қўшма корхонасини бошқармоқда. Қўйда журналист Холмўмин ХУДОЙҚУЛОВнинг у билан қилган суҳбатини ўқийсиз.

— Салим ака, Ватани тарқ этишларингизга нима сабаб бўлган?

— Бобом ҳам, отам ҳам бадавлат бўлган экан. Шу бонс падаримиз шўролар ҳукумати томонидан Сибирга сургун қилинган, онам, опам, тоғам жон сақлаш мақсадида ўзга юртларга бош олиб келишни ихтиёр этишди. Ўшанда мен икки ҳафталик гўдак эканман. Улар бир кемачидан Афғонистонга ўтказиб қўйишни илтимос қилишибди. У эса онамга: «Қўлингиз чақалоғинг бор экан, бунни қолдирмангиз, йиғлаб чегарачиларга сездириб қўяди», — дебди. Волидан мухтарамиз мени йиғлатмасликка ваъда берганидан кейингина гулсарига ўтказиб, сувга туширибди. Лекин мен йиғлай бошлабман. Шунда гулсарчи мени сувга ташлаш буюрибди. Онам бўлса кўнмабдилар. Омон-эсон Амударёдан ўтиб, Мозори Шарифда макон қурибмиз.

Авалло, ҳар бир инсонга Аллоҳ таолонинг ўзи ризқ беради. Сўнгра унинг қандай яшашы ўзига

ҳам боғлиқ. Мен эсимни танибманки, меҳнат қиламан. Ўшанда онам ва тоғамнинг маслаҳатлари асосида иш тутдим: ҳам моллик ҳам, пазандалик ҳам, ҳолвапазлик ҳам, тегиримончилик жувозчилик ҳам қилдим. Уйдан бошқа жойда овқатланмадим, бир сўмни икки сўм қилишга уриндим. Яхши инсонлардан дўст орттирдим. Ўзимни ёмон ва бузуқ йўллардан асрадим.

— Бутун умрингиз хориқда ўтган бўлса-да, она тилингизни унутмабсиз...

— Онам раҳматли: «Агар тилингизни унутгудай бўлсанг, рози эмасман», — дердилар. Уйда ва кўча-кўйда, албатта, ўзбек тилида сўзлашардик. Қолаверса, она суги билан қирган тилни унутиб бўларканми? Аммо тижоратчи учун бошқа тилларни ҳам билиш фойдаларини қамраб олиш зарур. Каминга, масалан, унга яқин тилда бемалол гаплаша олам.

Бир махсудга шогирд бўлганимдан кейин шу касбни ўрганишга астойдил киришдим. Кейин ўзимга алоҳида устахона очдим. Мен тиккан мах-

силарга шунчалик хари-дорлар кўпайиб кетдики, асли қўяверасиз. Бироз сармоёга эга бўлган, жу-во ва тегиримон қурдим, ҳолвапазликини йўлга қўйдим, ошқона ва чойхона очдим.

— Афғонистондан нега Амриқога ўтиб кетдингиз?

— 1978 йили онамиз қа-зо қилдилар. Ўғлим эса жангда ҳалок бўлди. Шундан кейин Туркияга кў-чма кетдим. Ун беш йил-дирики, Амриқонинг Нью-Йорк шаҳрида яшашимиз. Икки ўғил ва шунча қиз-нинг отасиман.

Айтгандай, катта ўғлим Ўзбекистондан уйланди. Келинимиз — шеробод-лик. Мустақиллик айёми арафасида никоҳ тўйлари бўлиб ўтди.

— Она юртга бутунлай келиш ниятингиз борми?

— Мен, билсангиз, бир умр ана шундай эзу орзу билан яшадим. Худога шукрки, ниятимга эриш-дим: уч йилдан бери Тош-кентдаман. Она юрт таф-тига не етсин! Ўртанча ў-ғлим Зоҳир ҳам шу ерда — «Баракат» фирмасининг вице-президенти. Бу фирма Ўзбекистонга импорт моллар келтириш билан шуғулланади.

— Салим ака, сиз бош-қараётган «Ўзтўр» қўшма корхонасида қандай мах-сулотлар ишлаб чиқарилади ва улар қаерларга жу-натилмоқда?

— Биз асални чиройли пластмасса қўтичаларга жойлаб, «Ўзбекистон ҳа-во йўллари» авиокомпан-ияси ва республика сав-до ташкилотларига ю-борамиз.

— Корхонангиз майдо-ни ҳам қатна экан...

— Биз учун икки гек-тар ер ажратиб берилди. Унинг бир қисмига минг-лаб туп мевали дарахт кў-чатлари, терак ва шамшод ниҳоллари ўтказдик. Қол-ган майдонларда атиргул, чечаклар, Амриқо ажриги ўстираяпмиз. Шунингдек, сабзавот ва қўкатлар ҳам етиштирилмоқда.

— Келажакда режа-ларингиз ҳақида ҳам ўр-тоқлашсангиз.

— Худо хоҳласа, кин-дик қрим тўқилган қут-луг замин — Шерободда мой заводи қурмоқчиман. Унинг ёнида, албатта, со-вун, шампун ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқ-ариладиган цехлар ҳам бар-по этилади. Қанчадан-қанча одам иш билан таъминланади, халқнинг ана шу маҳсулотларга бўл-ган эҳтиёжлари қондири-лади. Бундан ташқари, «Салим ва унинг фара-ндлари» фирмасини оч-моқчимиз. Шу мақсадда 0,15 гектар майдонда ул-кан омборхона тикляпти. Бутун-эрта бу ерда пардозлаш ишлари тугал-ланади. Кейин дунёнинг барча мамлакатларидан

асл моллар келтириб, уни тўлатамиз. Ният — Ўзбе-кистоннинг истеъмол бо-зорини янада тўқин қи-лиш. Қолаверса, корхона-ни ҳовлисида меҳмонхо-на қуриш учун қизмалар-ни тайёрлаб қўйдик.

— Шерободда қарин-дошларингиз ҳам борми?

— Опам бор эдилар, яқинда бандаликни бажо келтирдилар. Поччам, жиянларим, укаларим эса ҳаёт. Ҳайрон бўляпсизми? Отам Сибирда кўп азобу уқубатлар чекиб, қайтиб келганларидан кейин уйланиб, фарзандлар кўр-ган эканлар. Мен улар бил-ган яхши алоқаданман. Ху-сусан, Шамсиддин Пайға-мов ҳозир Тошкентдаги жаҳон тиллари уни-верситетига тахсил оляпти. Насиб этса, уни Амриқода ҳам ўқитиб, ўз юрти учун муносиб мута-хассис қилиб тарбиялаш-га бош қўшмоқчиман. Унинг акаси Салим Пайғамов — Шеробод шаҳридаги «Мажнунтол» ресторанининг директори. Содиқжон эса Даҳанада ошқона кураётир. Бу қу-рилишга ҳам баҳоли қуд-рат ёрдам бериб туриб-ман.

— Янги йилда халқи-мизга, мустақил Ўзбеки-стонга қандай истақлар бил-диришни хоҳлардингиз?

— Бариси соғ-омон бў-либ, тинч-тотув фаровон-ликда яшасин. Ўзбеки-стоннинг эса жаҳон ҳам-жамиятидаги обрў-эйти-бори янада ошаверсин.

— Суҳбатингиз учун та-шаккур!

«Халқ сўзи» газетаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати хабар қилади

«ЙЎҚОЛГАН» ВАГОН ТОПИЛДИ

Фарғона вилоятида жойлашган «Нефт маҳсулотларини қайта ишлаш» давлат ишлаб чиқариш биришмасида солиқ қўмитаси ва «Мингбулок» нефт қўмитаси буйича текширув ўтказган Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ходимлари «Мингбулок» нефт қўмитаси ушбу биришмасида бўлган қисқаканга масофада йўқолган вагон муаммосига дуч келдилар. «Йўқолган» вагонга 51 тоннадан ошмироқ нефт маҳсулоты юкланган эди.

Биз бевосита шу иш билан шуғулланган қўмитанинг махсус тафтиш-назорат бошқармаси суриштирув бўлими бошлигининг ўринбо-сари Тўражон АЙИБОЕВдан бу ҳуосуда батафсилроқ сўзлаб бериши-ни илтимос қилдик.

— Қўмитамиз буйруғига кўра юқорида сиз тилга олган бириш-мада тафтиш-текширув ишлари олиб борган махсус гуруҳимиз «Йўқолган» нефт қўмитаси, 1994 йилнинг 26 июлида «Мингбулок» нефт қўмитаси 154855-рақамли йўл-транспорт нақладосини буйича 70516950-рақамли вагон-цистернада юборилган 51 тоннага 420 ки-лограмм нефт маҳсулотини ушбу биришмада ишловчи бир неча мансабдор шахслар қиримга олмай ўзлаштириб юборганлигини аниқлади.

— Бу сунистеъмоллик қандай юз берган? — Аниқланишича, ўтган йилнинг 26 июлида «Мингбулок» нефт қўмитаси «Нефт маҳсулотларини қайта ишлаш» давлат ишлаб чиқариш биришмасига (154855-рақамли йўл-транспорт нақладосига кўра) 50 та вагон-цистернада нефт маҳсулотлари юборилган. Бу цистерналар 27 июль кунини Қирғули туманидаги «Охунбобоёв» темир йўли станциясига етиб келди. Шу кунини бу вагонлардан 23 таси 70591-рақамли поезд етагиде 3718-рақамли вагонга бириш ишлаб чиқариш биришмасига етказиб берилди. Қолган 27 та вагон ҳам ушбу поезд етагиде 3714-рақамли вагонга бириш ишловчи бўлиб, янги ишлаб чиқариш биришмаси хизматчилари В. Зуев, В. Кох, У. Шоно-ва 3. Цойлар 27 июль санаси билан 7-рақамли даллолатнома тузиб, унда бир донга вагон-цистерна, яъни, 70516950-рақамли ва-гон 51 тонна 420 килограмм нефт маҳсулоты билан биришмага етиб келмади, деб кўрсатиб ўтадилар. Вахонакни, барча вагон-цистерналар даллолатнома тузилган 27 июль кунини эсим, балки 28 июль кунини биришмага тўлиқ етказиб берилган.

— 51 тонна нефт маҳсулоты дегани — бу анча катта рақам. Шунча тонна нефт маҳсулотининг йўқолиши уни юборган таш-килотчи ташвишлантирмаганми?

— «Мингбулок» нефт қўмитаси маъсۇл ходимларининг вагон-цистер-нани кидириб топиш тўғрисидаги мурожаатларига биришмага келмади, деб рад жавоби бераверганлар. Орадан бир одам ошмик вақт ўтиб, масала республика миқёсидаги тегишли идоралар томонидан су-риштирилга бошлангач, биришманинг 6-чеки бошлиғи П. Мансу-ров, унинг муовини А. Акрамов ва 14-чеки бошлигининг муовини А. Исмомовлар 70516970-рақамли вагон-цистерна ҳақиқатдан бириш-мага ўз вақтида етиб келгани ва 31 июль кунини ундаги нефт маҳсуло-ти биришманинг захирохоналарига тўқиб олинганини тасдиқлаб 9 сентябрь санаси билан даллолатнома тузаганлар. Ва ўзлаштирилган нефт маҳсулотлари 16 сентябрдагина биришмага қирим қилинган.

Ибодулла ЎСАРОВ тайёрлади.

TV ХАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР TV

ДУШАНБА, 9

УзТВ I
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.

ЧОРШАНБА, 11

УзТВ I
7.00 -- 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

ЖУМА, 13

УзТВ I
7.00 -- 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

ЯКШАНБА, 15

УзТВ I
7.00 -- 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

СЕШАНБА, 10

УзТВ I
7.00 -- 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

ПАЙШАНБА, 12

УзТВ I
7.00 -- 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

ШАНБА, 14

УзТВ I
7.00 -- 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

Ўзингиз учун SONY дунёсини кашф этишни истайсизми? Унда телевизорлар, видеомагнитофонлар, видеокамералар, мусиқий маркалар, магнитофонлар, аудио ва видеокассеталар сотиладиган "SONY" магазинига ТАШРИФ БУЮРИНГ

Дубай-бизнес-девайс МАГАЗИНИ Panasonic фирмасининг маиший хизмат электроника ва электротехникаларини таклиф қилади



CENTRAL ASIAN-AMERICAN ENTERPRISE FUND Марказий Осиё-Америка тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш фонди Ўзбекистонлик тадбиркорларни 1995 йил билан тадбирқлайди!



REEBOK фирма дўкони спорт буюмлари ишлаб чиқарадиган дунёда энг йирик компания маҳсулоти - дидингизга мос спорт кийимлари ва оёқ кийимларини таклиф этади.

Table with 2 columns and 4 rows listing various business entities and their contact information, including Mirzarakhmonov, Sodiqov, and others.

Бир пиёла Чой устида



Сухбатдошимиз Ҳамза номидаги Давлат академик драма театрининг етук актёри, Ўзбекистон халқ артисти Турғун Азизовдир. Сиз у кишини эл назарига тушган актёр бўлгани учунгина эмас, балки «Алишер Навоий», «Мирзо Улдубек» каби классик спектакллари сахнада қайта жонланганлар, шунингдек яқиндагина Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» асарини муваффақиятли сахналаштирган истеъдодли режиссёр сифатида ҳам яхши танийсиз.

— Турғун ака, театрларимизнинг бугунги аҳволи кўпчиликка маълум, лекин мен сиздан Ўзбек театрининг келажagini қандай тасаввур қиласиз, деб сўрамоқчиман.

— Сухбатни жуда оқийман, лекин жавоб бериш ниҳоятда қийин ва мураккаб бўлган савол билан бошладимиз. Нима ҳам дердим, биз яхши яшашга ўрганган халқмиз. Мен ҳам бир кунмас бир кун томошабин театрга қайтади, чипталаримиз кўлма-кўл бўлиб, залларимиз илгаригидек тўлиб-тошиб кетади, деб ўзимни ишонтиргим келади. Томошабинни театрга қайтариш бой берилган имкониятни қайта тиклаш деган гапдир. Бунинг учун жавобгар шахслар, маъсул ташкилотлар қатъийлик ва фидойилик билан иш ташкил қилиб, бош-қош бўлишлари керак, деб ўйлайман. Бунинг учун озорек тер тўкиш ва мушоахада қилиш керак, ҳолос. Биласизки, санъаткорнинг ортқича мол-дунёси бўлмайди. Унинг тўплаган бутун бойлиги халқ орасида топган обрўсидир. Биз ўша маънавий мулкимизни асарий билишимиз керак. Ма-

салан, Икром Болтаева катта санъаткор эди. Лекин у кишининг вафоти ҳақидаги хабарни биров билиб, биров келажagini қандай тасаввур қилмас, деб сўрамоқчиман. — Сухбатни жуда оқийман, лекин жавоб бериш ниҳоятда қийин ва мураккаб бўлган савол билан бошладимиз. Нима ҳам дердим, биз яхши яшашга ўрганган халқмиз. Мен ҳам бир кунмас бир кун томошабин театрга қайтади, чипталаримиз кўлма-кўл бўлиб, залларимиз илгаригидек тўлиб-тошиб кетади, деб ўзимни ишонтиргим келади. Томошабинни театрга қайтариш бой берилган имкониятни қайта тиклаш деган гапдир. Бунинг учун жавобгар шахслар, маъсул ташкилотлар қатъийлик ва фидойилик билан иш ташкил қилиб, бош-қош бўлишлари керак, деб ўйлайман. Бунинг учун озорек тер тўкиш ва мушоахада қилиш керак, ҳолос. Биласизки, санъаткорнинг ортқича мол-дунёси бўлмайди. Унинг тўплаган бутун бойлиги халқ орасида топган обрўсидир. Биз ўша маънавий мулкимизни асарий билишимиз керак. Ма-

салан, Икром Болтаева катта санъаткор эди. Лекин у кишининг вафоти ҳақидаги хабарни биров билиб, биров келажagini қандай тасаввур қилмас, деб сўрамоқчиман. — Сухбатни жуда оқийман, лекин жавоб бериш ниҳоятда қийин ва мураккаб бўлган савол билан бошладимиз. Нима ҳам дердим, биз яхши яшашга ўрганган халқмиз. Мен ҳам бир кунмас бир кун томошабин театрга қайтади, чипталаримиз кўлма-кўл бўлиб, залларимиз илгаригидек тўлиб-тошиб кетади, деб ўзимни ишонтиргим келади. Томошабинни театрга қайтариш бой берилган имкониятни қайта тиклаш деган гапдир. Бунинг учун жавобгар шахслар, маъсул ташкилотлар қатъийлик ва фидойилик билан иш ташкил қилиб, бош-қош бўлишлари керак, деб ўйлайман. Бунинг учун озорек тер тўкиш ва мушоахада қилиш керак, ҳолос. Биласизки, санъаткорнинг ортқича мол-дунёси бўлмайди. Унинг тўплаган бутун бойлиги халқ орасида топган обрўсидир. Биз ўша маънавий мулкимизни асарий билишимиз керак. Ма-

салан, Икром Болтаева катта санъаткор эди. Лекин у кишининг вафоти ҳақидаги хабарни биров билиб, биров келажagini қандай тасаввур қилмас, деб сўрамоқчиман. — Сухбатни жуда оқийман, лекин жавоб бериш ниҳоятда қийин ва мураккаб бўлган савол билан бошладимиз. Нима ҳам дердим, биз яхши яшашга ўрганган халқмиз. Мен ҳам бир кунмас бир кун томошабин театрга қайтади, чипталаримиз кўлма-кўл бўлиб, залларимиз илгаригидек тўлиб-тошиб кетади, деб ўзимни ишонтиргим келади. Томошабинни театрга қайтариш бой берилган имкониятни қайта тиклаш деган гапдир. Бунинг учун жавобгар шахслар, маъсул ташкилотлар қатъийлик ва фидойилик билан иш ташкил қилиб, бош-қош бўлишлари керак, деб ўйлайман. Бунинг учун озорек тер тўкиш ва мушоахада қилиш керак, ҳолос. Биласизки, санъаткорнинг ортқича мол-дунёси бўлмайди. Унинг тўплаган бутун бойлиги халқ орасида топган обрўсидир. Биз ўша маънавий мулкимизни асарий билишимиз керак. Ма-

энди томошабин маданияти тўғрисида гаплашайлик. — Биласизми, бундан 60-70 йиллар илгари одамлар учун театр мўъжизадек гап бўлган. Шунинг учун ўша йилларда халқ театр кўриш учун энг чекка қишлоқлардан ҳам от-авраларда Тошкентга келишган. Мен бунинг табиий деб тушунаман. Айни пайтда бугунги актёрларнинг истеъдодини ҳам ўша машҳур санъаткорларнинг истеъдодидан кам деймайман. Биринчи бўлиш ҳам қийин, ҳам осон. Қийинлиги шундаки, биринчи бўлиш учун жасорат керак, осонлиги шуки,

рак. Мен 40 йилдан буйён театрдаман. Ҳар хил томошабинни кўрдим. Лекин бугунги томошабин билан ишлаш ростдан ҳам оғир. Спектаклга



Турғун АЗИЗОВ

БЕК-ни ўйнаётгандик. Спектаклнинг биринчи картинасидаёқ чарчаб тамом бўлдик. Галя-говурни тинчитиш учун бор кучимизни, бор овозимизни сарфлаб ўйнадик-да! Шунда бу аҳвол театримизнинг директори Ёқубжон Аҳмедовнинг нафсониятига тегдими ёки фарзандларимизнинг тарбиясизлигидан хафа бўлиб кетдимми, ҳар ҳолда ўзи ўйнаб турган Темур арвоқи кийимиде шартта сахнага чиқиб, болаларга 3-4 минут лашном берувди, ҳоҳишнинг ҳоҳишонинг, спектакл охиригача чурқ этган товуш эшитилмади. Бу театрининг кучи, санъаткорнинг, сахна орқали

ташқил қилишиб, одамларни театрга олиб келишарди. Бунга муносабатингиз қанақа? — Мен бу тажрибани қўлаб-қувватлаш керак, деб ўйлайман. Чунки биз қишлоқларга борганимизда спектакллари бутун буй-басти билан намойиш этолмаймиз. Ёритишларимиздан, сахна безакларидан тўлиқ фойдаланиш имконияти бўлмайди. Қолаверса, Тошкентни кўриш, спектаклни бутун буй-басти билан томоша қилиш ҳам маълум даражада киши руҳини поклайди.

— Сиз Олим Хўжаев, Аббор ҲИДОЯТОВ, Шукур БУРҲОНОВдек катта санъат даргалари билан ёнма-ён ишлаш, ҳамкорлик қилиш бахтига мушарраф бўлгансиз. Уларнинг буюклиги асосан нимада эди? — Уларнинг буюклиги шунда эдики, бу санъаткорлар бир-бирига тан бериш, қўйил қилишни билишарди. Бирига бири мухлис эди. Эсимда бор, «БИР ШАХС МАСАЛАСИ» деган спектаклда Шукур ака билан мен ота-ўғил ролларини ўйнаётгандик. Ушанда Олим акам касалхонада эдилар. Кўргани борсам: «Шукур сўзларини ашула қилаётими? деб сўраб қолдим. Мен Шукур Бурхоновнинг маҳорати ҳақида гапириб берсам, «Ҳа, Шукур барибир ШУКУР-да! деб қўйгани ҳавас билан. Яна бир воқеани айтиб беришим мумкин. Александр Гинзбург Шиллернинг «ҚАРОҚЧИЛАР» асарини асо-

айтилган сўзнинг кучи эди. Агар театр қандай даргоҳ, у ерда одам ўзини қандай тутиши керак деган масалаларни фарзандларимизга бочча ёшидан қўйиб бериш керак, эҳтимол, биз келажакда жуда етук ва маданиятли томошабинларга эга бўламиз. — Ҳозир пойтахтга яқинроқ туманлардан автобуслар

Юзма-юз

ТЕАТР ТОМОШАБИН КУТМОҚДА

уларнинг йўлида тўсиқлар у қадар кўп бўлмайди. Улар биринчи эди, улар Гагарин эди. Гагариндан кейин қанча катта ишлар, қанча талқинотлар қилинди. Лекин барибир Гагарин Гагаринлигича қолди-ку!

35-40 ёшлардан ўтган томошабинлар тушса, сиз айтгандек нафас олар-олам қузатишди. Лекин худо кўрсатмасин, талабалар ёки мактаб ўқувчилари ёппасига келиб қолса борми, залда қийқириқ ҳам, хуштак ҳам, гап отиш ҳам, бўлади. Бир кун юқори синф ўқувчилари театрга келишганди. «МИРЗО УЛУФ-


— Ҳозир пойтахтга яқинроқ туманлардан автобуслар

сан Шукур Бурхонов учун сахналаштирганди. Лекин «ИЛҲА МУРАМЕЦ» да суратга тушиш учун Шукур акам Москвага кетиб қолганлиги тўғрисида ҚАРЛ МУРРНИ Олим акамга топириди. Репетиция пайтида Москвадан қайтиб келган Шукур ака ҚАРЛ МУРР Қиёфасидаги Олим ХўЖАЕВни кўриб «Олим мастер-да!» деб ҳамманинг олдида ошқора тан бергандилар. Ваҳоланки, бу икки санъаткор ҳамкасб бўлсалар-да, ҳаётда у қадар қадрдон оғайин бўлмаганларини халқимиз яхши биллади.

— Турғун ака, янгилима-сам, сиз 60 ёшга тўлиш арафасидасиз. Мен сизни санъатсезвар барча кўрдошларимиз номидан шу кутлуг ёш билан, қолаверса, янги йил билан табриқлайман. Сўнги саволим: янги 1995 йилдан нималар кутаясиз?

— Мен 60 ёшимда ҚИРОЛ ЛИР образини ўйнаш имкониятига эга бўлиб турганимдан жуда бахтиёрман. Бирдан бир орзум, шу образни қиёмга етказиб ижро этиб элга манзур қилиш.

— Яхши ниятлар ва яхши одамлар сизга ҳамisha ҳамроҳ бўлсин. Сухбатингиз учун раҳмат!



МАЙМУН ОДАМ ЭМАС, АММО...

АЙРИМ ҳайвонларнинг шифобахш гиёҳларни адашмай топиб ёйиши кўпчиликка маълум. Танзанияда яшайдиган маймунлар учун оғир вазиёсини ўтайдиган гиёҳ тури лабораторияда текшириб кўрилганда, унинг таркибиде маймунлар ичганида пайдо бўладиган турли паразит ва замбуруғларни маҳр этувчи ёғ бор экан. Бразилияда қирлиб битиш хавфи туғилётган бир маймун тури эса серпушт қилидиган шифобахш гиёҳ турини топиб истеъмол қила бошляпти.

БАҲАЙБАТ ҚИСҚИЧБАҚА АВСТРАЛИЯНИНГ шимолӣ қирқоқларида улкан денгиз қисқичбақаси тутиб олинди.

Унинг оғирлиги 5 килодан зиёд, чангалларнинг узунлиги эса 1,2 метр (!) экан. Мутахассислар қисқичбақанинг ёши таъминан саккизда эканлигини аниқладилар.

ЗАМИРА ЭГАМБЕРДИЕВА, «Халқ сўзи»нинг жамоатчи муҳбири.



МАЙМУН ОДАМ ЭМАС, АММО...

АЙРИМ ҳайвонларнинг шифобахш гиёҳларни адашмай топиб ёйиши кўпчиликка маълум. Танзанияда яшайдиган маймунлар учун оғир вазиёсини ўтайдиган гиёҳ тури лабораторияда текшириб кўрилганда, унинг таркибиде маймунлар ичганида пайдо бўладиган турли паразит ва замбуруғларни маҳр этувчи ёғ бор экан. Бразилияда қирлиб битиш хавфи туғилётган бир маймун тури эса серпушт қилидиган шифобахш гиёҳ турини топиб истеъмол қила бошляпти.

БАҲАЙБАТ ҚИСҚИЧБАҚА АВСТРАЛИЯНИНГ шимолӣ қирқоқларида улкан денгиз қисқичбақаси тутиб олинди.

Унинг оғирлиги 5 килодан зиёд, чангалларнинг узунлиги эса 1,2 метр (!) экан. Мутахассислар қисқичбақанинг ёши таъминан саккизда эканлигини аниқладилар.

ЗАМИРА ЭГАМБЕРДИЕВА, «Халқ сўзи»нинг жамоатчи муҳбири.

ПЕЛЕ — ЭЛЧИ

ЙИГИРМАНЧИ АСРНИНГ энг яхши футболчиси Пеле Парижда ЮНЕСКО элчиси дипломини олди.

Афсонавий ўйинчи энди унчинчи дунё мамлакатларида тақдири ҳаёт оқимига ташлаб қўйилган 80 миллиондан зиёд етим-есирлар аҳволига жаҳон жамоатчилиги эътиборини қаратиш ва улар ғиймаси учун маблаг тўплаш билан шуғулланди.

ЮНЕСКОНИНГ айнан Пелени танлагани бежиз эмас. У қарийб чорак асрдан бери ўз ватанидаги қашшоқ оилалар болалари қисматини енгилаштиришдек хайрли иш билан банд.

ДУМЛИ... ЧАҚАЛОҚ МИСРНИНГ жанубидаги Луксор шаҳрида думли чақалоқ туғилди.

Ун сантиметр узунлигидеги думли қизчакининг сурати мамлакатнинг ҳамма газеталарида ҳам эълимди, катта шов-шувга сабаб бўлди. Врачлар бу ноёб ҳолатни чуқур ўрганиб чиқиб, дум қандайдир генетик қусрининг оқибати бўлса керак, деган хулосага келишди ва уни жароҳлиқ усули билан кесиб ташлашга қарор қилдилар.

БУ — УН САККИЗИНЧИ ИСРОИЛНИНГ Ашдод шаҳрида бундан-да, гаройиб ва мураккаб ҳолатлар юз берди.

Ун олти ойлик қиз боланинг кўрақлари бирдан ушиб кета бошляди. Врачлар уни эъллик билан шифохонага ётқиздилар. «Бундай гайриодатий ҳолинг сир-синоати нимада?» деган саволга улар «Замонавий тиббиёт учун буниси ўн саккизинчи ҳолатдир» дея жавоб берилган нарига ўтолдилар.

КЕЛИНГ, ТИЛИМИЗНИ КАЙРАБ ОЛАЙЛИК ЕКИ МАКОЛЛАР ИЗОҲИ. ОҒТА ТАҚА ҚОҚКАНДА, ҚУРБАҚА ОЕГИНИ КУТАРАР.

Тошкент Давлат иқтисодий университетиде бозор иқтисодиёти асосларига бағишланган республика семинари иш бошляди. Унда бозор иқтисодиётига жаҳон таърибасига таянган ҳолда босқичма-босқич ўтиш, ислохотларни амалга ошириш жараёнида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, хусусийлаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш хусусидаги маърузалар тингланди.

Булоқбоши қишлоғидаги «Ангекс-1» улкан тўқимачилик мажмуининг тикувчилик фабрикасига Италия, Германия, Туркиядан келтирилган энг замонавий жиҳозлар ўрнатилди. Бу ерда пахта толасидан жаҳон андоза ва талабларига мос костюм-шим ва бошқа кийим-кечаклар ишлаб чиқарилади. Хорижий мутахассислар ёрдами билан ўрнатилган жиҳозлар синовдан ўтказилиб, бу ердаги доимий ишчилар кўлига топширилади.

ШАНБАДАН ЖУМАГАЧА

Нукус шаҳридаги 19-автобус саройи жамоаси янги парк бизнесига эга бўлди. Ана шу муносабат билан бу ерда тантанали митинг бўлди. Унда иштирок этганлар автотранспортчиликда кўп қилиб яратиб берган «Қоракалпоғистон» бирлашмасининг Тахташдаги 21-қўйма колоннаси қурувчиларига миннатдорлик билдирди.

Икки йил муқаддам Фаргона кўнгирак театри давлат мақомини олган эди. Шунга қарамай бу театрининг барча талабларига жавоб берадиган, муқим қароргоҳи йўқ эди. Театр ижодий жамоаси ўзининг жажжи мухлислари кўнглини турли жойда олиб келаётганди. Ниҳоят, театр ўз қароргоҳига эга бўлди. Яқинда Фаргона шаҳар зобитлар уйи улар ихтиёрига берилди.

Оққўрғон тумани Олимпик кўрғонидеги 26-озик-овқат дўкони сотувчиси Отабой Аширматов «Совга» лотереясига «ТСС» маркази энгил автомашинаси ютди. «Совга» лотереяси ўйналишдан бир неча кун муқаддам дўконида 12 донга лотерея қолди. Аширматов бу лотереяларни қайтариб топширгиси келмай ўзи харид қилди. Натихада... машинадан ташқари у бир кийимлик атлас ҳам ютди.

ҲАДИСЛАР. Ҳеч бир ота ўз фарзандига хулқу одобдан буюкроқ мерос беролмайди. Илмли киши бу дунёда иззат-обрў топади ва охиратда шарафланади. Умматимнинг энг яхисиси ўз аҳли аёлига меҳрибонроғидир.

ДЕЙЛ КАРНЕГИ: БАЙРАМОНА КАЙФИЯТ — ҲАР КУНИ КЕРАК. Навбатдаги дабдабали анифатлардан бирида ёнимда ўтирган меҳмон кизикarli воқеани сўзлаб берди-да, гўё Библиядан кўчирма келтириб, хикосини хотимлади. Аммо бу кўчирма Библиядан эмас, балки Шекспирга тағйишли эди. Мен меҳмонга эътироз билдирмоқчи бўлганимда у «Бекорларни айтиб-сиз, аниқ биласизми, Библиядан дея кўчирганининг ичиде мени саводсизга чиқариб, кайфиятимни тушириб юборди. Қаршимда ўтирган танишим Франк Гальмонд менинги кизича бошлаганини сездим чоғи, стол остидан обғимни билантирмай аста босди-да: «Дейл, сен янглишдинг, бу жаноб — ҳақ. Кўчирма хақиқатан ҳам Библиядан деди. Танишимнинг адолатсизлик қилганидан жоним халқумимга келса-да, ўзини босдим, аҳир у обғимни босиб туриб гапирди-ку, бир гап бўлса керак-да. Зиёфат тугаб уйга қайтганимизда бутун аламинини танишимдан олмоқчи бўлдим: «Франк, аҳир бу кўчирма Шекспирдан эканлигини жуда яхши биласан-ку!» — Бўлмаса-чи, «Гамлет», иккинчи сахна, бошини парда, — деди у. Бирок қадрдоним Дейл, сен билан мен байрам кечасининг меҳмони эдик. Шундай экан, унинг хайриятини буйиб, моҳаб, эканлигини кўпчилигининг ичиде ошкор қилиш шартли. Қолаверса, шундан кейин у сонга яхши муносабатда бўлариди. Ноқерак тортишувдан нима нар. Умуман, ёмондан ҳазар, деганларидек, тинч, хотирхам яшайман деган одам ўтир баҳрлардан ўзини холи тутишга одатланмоғи лозим.

МАРҲАМАТ, ЯНА САВОЛ БОРМИ? «ТўТИНОМА» Шарқ адабиёти аҳлоқий мавзудаги асарларга бой. Яқинда шундай мавзудаги «Тўтинома» асар борлигини эшитиб қолдик. Шу асар ҳақида маълумот берсанглр. О. КАМОЛХЎЖАЕВ, Тошкент. «Тўтинома» — аҳлоқий-эстетик мавзудаги машҳур асар. Шарқда кенг тарқалган. Дастлаб халқ озаки ижоди асосида санскрит тилида яратилган ҳикоялар мажмуидан иборат бўлган. Ҳиндлар орасида «Шукасапати», яъни «Тўтининг етмиш ҳикоси» номи билан машҳур бўлган. Зиёвуддин Нахшабий томонидан 1330 йилда «Шукасапати» форс тилида «Тўтинома» номи билан Деҳлида қайта ишланган. Нахшабий асари асосида «Тўтинома»нинг бир неча варианты яратилган. XVII-XVIII асрларда Ҳиндистонда Муҳаммад Қодирий асарининг форсча, XIX-асрнинг биринчи ярмида Латифий асарининг ўзбекча нусхасини яратган. XIX асрда ўзбек шоири Мулло Қурбон Хиромий «Тўтинома»ни ўзбек тилида шеърый йўлда ёзган. «Тўтинома»га турли даврларда ҳар хил ўзгаришлар киритилган. Асарда воқеалар асосан Маймун, Хужаста ва Тўти билан боғлиқ бўлиб, одобилик, яхшилик, вафодорлик каби инсоний фазилатлар ардоқланди. Ёмонлик, бевафолик, манманлик қораланди. Одамлар аҳлоқий пок, хушмуомала, продале ва сабр-тоқатли бўлишга чақирилди.

КИЧКИРМА БОШҚИТИРМА Қандай иккита соннинг йигиндиси уларнинг кўпайтмасидан катта?

ХАЛҚ СЎЗИ НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. Бош муҳаррир: Анвар Жўрабоев.

БўЛИМЛАР: Парламент 33-57-34; Хатлар 33-07-48; Қишлоқ хўжалиги 32-07-94; Иқтисодийёт 32-36-65; Маълумот 32-35-60; Аxbорот 32-29-89; Тунги муҳарририят 33-10-28.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй. Навбатчи муҳаррир — А. Йўлдошев. Навбатчи — Л. Қўқорона.